



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil «30» ноябрь

№ ПК-381

### **Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг рақамли сектори кенгайиб, унинг асосий ўсиш омиллари ҳисобланган электрон тижорат платформалари, рақамли сервислар ва уларда амалга ошириладиган тўловларни сифатли ва хавфсиз қайта ишлаш билан боғлиқ молиявий технологиялар шиддат билан ривожланмоқда.

Шу билан бирга, кейинги вақтларда банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғрилик ёки фирибгарлик ҳолатларининг кўпайиши аҳолининг рақамли молиявий саводхонлиги ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакаси етарли эмаслиги, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг замонавий тизимлари мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда.

Рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш, рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш, шунингдек, аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида:

#### **1. Белгилансинки:**

а) 2024 йил 1 июлдан бошлаб **тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари** фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши бўйича талаблар киритилади;

б) **тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари** устав капиталининг энг кам миқдори:

2024 йил 1 июлдан бошлаб – **тўлов тизими операторлари** учун 50 млрд сўмни, **тўлов ташкилотлари** учун 10 млрд сўмни;

2025 йил 1 июлдан бошлаб – тўлов ташкилотлари учун 20 млрд сўмни ташкил этади;

в) “Миллий банкларо процесинг маркази” МЧЖ устав капиталидаги давлат улуши тўлиқ Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади;

г) Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг электрон тижоратни тартибга солиш ва ривожлантириш соҳасидаги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг лотерея ташкил этиш ва бўукмекерлик фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги вазифа, функция ва ваколатлари Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ўтказилади.

2. Ўғрилик, фиригарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга ўз вақтида чек қўйиш мақсадида Марказий банкка тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар содир этилган тақдирда, банк карталари, банк ҳисобварақлари ва мобил иловалардаги ҳисобварақлардан фойдаланишни уч кунгача муддатга вақтинча чеклаш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати берилсин.

3. Марказий банк манфаатдор идоралар билан биргалиқда бир ой муддатда:

тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан фуқароларга онлайн хизматлар кўрсатишда **техник ҳимоя** усулларини такомиллаштириш, **антифрод тизимларини** жорий этиш, кетма-кет уч ёки ундан ортиқ ўтказмалар назоратини автоматлаштириш, банк карталаридан фойдаланишни ҳамда жисмоний шахслар ўртасида катта миқдордаги пул ўтказмаларини қўшимча биометрик ва бошқа ҳимоя чораларини қўллаган ҳолда назорат қилиш механизmlарини жорий этиш;

замонавий таҳдидлар, банк карталари (карта реквизитлари) билан, шу жумладан электрон тўлов тизимлари орқали ноқонуний операцияларнинг олдини олиш учун **аҳолининг рақамли молиявий саводхонлигини ошириш** бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига “Йўл харитаси”да белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

## 5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, үнга мувофиқ:

маблағларни олувчи томонидан қимор ўйинлари ташкил этиш ва ўтказиш фаолияти ҳамда капитал ҳаракати операциялари амалга оширилаётганилиги түғрисидаги түлов тизимининг операция коди ёки бошқа идентификаторлар белгиланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлганда, тижорат банклари томонидан банк картаси ёрдамида Ўзбекистон Республикаси ташқарисида жойлашган маблағларни қабул қилувчига трансчегаравий ўтказиш тақиқланади;

Агентлик мурожаатлари асосида Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан қонунга хилоф равишда қимор ўйинларида қатнашиш ҳамда капитал ҳаракати операцияларини амалга ошириш имконини берувчи Интернет тармоғидаги ахборот ресурслари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган Интернет тармоғи реестрига киритилади.

6. Бош прокуратура Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Агентлик, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манбаатдор идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига рақамли технологиялар воситасида жиноят содир этилган жой ва усулини аниқлашнинг жиноий ва жиноят-процессуал асосларини, электрон (рақамли) далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертиза қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар түғрисида таклифлар киритсин.

7. Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва бошқа манбаатдор идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** ахборот-коммуникация технологиялари воситасида содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини тасдиқласин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **2024 йил 1 апрелга қадар** ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган жиноятларга қарши курашиб соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин. Бунда:

2024/2025 ўқув йилидан бошлаб рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олиш бўйича кадрлар тайёрлайдиган давлат олий таълим муассасаларини аниқлаш, ушбу соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш давлат буюртмаси параметрларида давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларини белгилаш;

Хўқуқни муҳофаза қилиш академиясида, Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институтида ҳамда Давлат хавфсизлик хизматининг таълим муассасаларида тезкор-қидириув фаолиятини, терговолди текширишни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича доимий курсларни ташкил этишни назарда тутсин.

**9.** Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги, “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**10.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ-381-сон қарорига  
илова

**Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар  
(хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича**  
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/р	Тадбир номланиши	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш шакли	Ижро муддати	Масъул ижрочилар	
1.	Онлайн савдо платформаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда амалга оширилаётган электрон тижоратда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш.	<p>1. Барча онлайн савдо платформаларининг сотувчи ва харидорларининг мулкий манфаатларини кафолатлашга қаратилган методологияни ўрганиш, таҳлил қилиш, шу жумладан:</p> <p>онлайн савдо платформалари томонлар мулкий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш тартиботини ўрнатиш;</p> <p>онлайн савдо платформалари фаолиятини баҳолаш рейтингини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш.</p> <p>2. Электрон савдо майдончалари (рақамли маркетплейс) фаолиятини ташкил этиш учун рухсат этиш тартиб-тамолларини белгилаш. Банклар томонидан берилган EPOS терминалларида қонунга зид равишда фаолият олиб борган ташкилотларга нисбатан уларнинг фаолиятини чеклашгача бўлган таъсирчан чораларни кўриш.</p> <p>3. Қонунчиликда белгиланган талабларга риоя қилмасдан ижтимоий тармоқларда ва онлайн савдо платформаларида электрон тижорат ташкил этиш ҳолатлари учун ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш бўйича ягона механизмни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда қўйидагиларга эътибор қаратилади:</p>	Ташкилий чора-тадбирлар  Қонун лойиҳаси  Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил январь  2024 йил февраль  2024 йил май	Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (ИЛМА), Марказий банк, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Рақамли технологиилар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Солиқ қўмитаси, ИЛМА, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Рақамли технологиилар

		<p>солиқ идоралари, манбаатдор вазирлиқ ва идоралар вакилларидан иборат Ишчи гурӯҳ ташкил этиш ҳамда ижтимоий тармоқларда ва онлайн савдо платформаларида электрон тижорат ташкил этиш ҳолатларини аниқлаш бўйича самарали фаолиятни йўлга қўйиш;</p> <p>ижтимоий тармоқларда ташкил этилган савдо майдонларидан фойдаланишда сотувчи ва харидорнинг мулкий ҳуқуқлари кафолатланмаганигини аҳоли орасида кенг тушунтириш.</p>			вазирлиги
2.	Тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш.	<p>Қўйидаги талабларни жорий этиш:</p> <p>а) 2024 йил 1 июлдан бошлаб тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларини фақат акциядорлик жамияти шаклида ташкил этиш;</p> <p>б) устав капиталнинг энг кам миқдори 2024 йил 1 июлдан бошлаб тўлов тизими операторлари учун 50 млрд сўм, тўлов ташкилотлари учун 10 млрд сўм ва 2025 йил 1 июлдан бошлаб 20 млрд сўм.</p>	Қонун лойиҳаси	2024 йил январь	Марказий банк, ИЛМА, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги
3.	Тўлов тизимлари операторлари фаолияти учун тенг рақобат мухитини таъминлаш	Тўлов тизимлари операторлари фаолияти учун тенг рақобат мухитини таъминлашга қаратилган тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Комплекс чора-тадбирлар дастури	2024 йил март	Давлат активларини бошқариш агентлиги, Рақобат қўмитаси
4.	Банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида антифрод тизимларини жорий этиш.	<p>1. Тўлов тизими операторларида транзакцион антифрод тизимини ҳамда банклар ва тўлов ташкилотларида сессион антифрод тизимларидан фойдаланиш учун Марказий банкда марказлашган антифрод тизимини жорий этиш.</p> <p>2. Замонавий биометрик идентификация тизимини қўллаган ҳолда, Марказий банкда мижозларни идентификация қилиш тизимини жорий этиш.</p> <p>3. SIM-карта, мобил қурилма IMEI-коди, Интернет тармоғи (роуминг) орқали маълумотларни идентификация қилиш тизимини банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида жорий этиш.</p>	Комплекс чора-тадбирлар дастури	<p>2023 йил декабрь (дастурни тасдиқлаш)</p> <p>2024-2025 йиллар (дастур ижросини таъминлаш)</p>	Марказий банк, Банклар ассоциацияси, Рақамли технологиялар вазирлиги, ИЛМА

		<p>4. Банклар ва тўлов тизимларининг мобил иловаларидағи хавфсизлик даражасини ошириш (янги рўйхатдан ўтган фойдаланувчининг 1 соатгача маблағларни ўтказиш имкониятини чеклаш ва асосий фойдаланувчига унинг профилига кирилганлик ҳақида дарҳол СМС-хабар юбориш, мобил қурилмалар хусусида IMEI, IMSI, DeviceID ва бошқа қўшимча маълумот йиғиш).</p> <p>5. Фойдаланувчиларнинг СМС-хабарлар орқали олинадиган бир марталик (one time password) паролларини ҳимоя қилиш механизмини жорий этиш.</p> <p>6. Банк карталаридан маблағларни ўғирлаш ҳолатлари ҳақида келиб тушаётган мурожаатлар бўйича кечиктириб бўлмайдиган чораларни (блоклаш ва бошқалар) кўриш.</p>			
5.	Банк карта маълумотларини хавфсизлигини кучайтириш.	Интернет тармоғидаги ахборот ресурсларида банк карта маълумотлари тарқалиши бўйича хабардор бўлиш ҳамда уларни мониторинг қилиш мақсадида замонавий дастурий воситаларни жорий этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2024 йил декабрь	Марказий банк
6.	Жиноят ишлари доирасида криптоактивларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда топшириш тартибини белгилаш.	<p>Терговга қадар текширувни амалга оширишда ёки жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган криптоактивларни олиб қўйиш, хатлаш, сақлаш ҳамда топшириш тартибини белгилаш.</p> <p>Криптоактивларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда криптоҳамёнлар очиш ва уларни юритиш тартибини жорий қилиш.</p>	Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2024 йил январь	Ички ишлар вазирлиги, Баш прокуратура, ИЛМА, Адлия вазирлиги
7.	Терговчига абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни мустақил олиш ваколатини бериш.	Жиноятпроцессуал кодексини тергов ҳаракати сифатида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишни назарда тутувчи норма билан тўлдириш.	Қонун лойиҳаси	2024 йил март	Ички ишлар вазирлиги, Баш прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати

8.	Электрон далилларни расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш.	<p>“Электрон (рақамли) далил” түшүнчаси, уларни аниқлаш, түплаш, текшириш, экспертизадан үтказиш, баҳолаш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда иштирокчиларнинг ҳуқұқы ва мажбуриятларини белгилаш.</p> <p>Ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бүйича кибермаконни холислар иштирокисиз, мажбурий видеөөзүв ёрдамида күздан кечириш, тинтүв үтказиш тартибини белгилаш.</p> <p>Ахборот ресурсларида рақамли изларни сақлашда сақлананаётган маълумотларга аник талабларни (маълумот турларини) белгилаш.</p>	Норматив-хуқуқий ҳужжатлар	2024 йил февраль	Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати
9.	Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олиш йўналишида профессионал кадрларни узлуксиз, босқичма-босқич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш.	<p>1. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олиш бүйича босқичма-босқич кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларини белгилаш ва ушбу таълим йўналиши бүйича кадрлар тайёрлаш квоталарини давлат буюртмасига асосан давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг ҳар йилги давлат буюртмаси параметрларини белгилашда инобатга олиш.</p> <p>2. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб камидан бир нафар етакчи миллый ва хорижий мутахассисни, эксперт ва профессор-ўқитувчиларни рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олишнинг ташкилий-техник ечимлари ва бунда сунъий интеллект технологияларини қўллаш бүйича киберхавфсизлик бўлинмалари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш учун жалб қилиш.</p> <p>3. Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва Олий суд тасарруфидаги таълим муассасаларида жиноятларни аниқлаш, фош этиш ҳамда улар юзасидан тергов ва суд ҳаракатларини олиб бориш йўналишида хизмат қилувчи ходимларни кибержиноятчиликка қарши</p>	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил март	Ички ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

		<p>курашиш бўйича ҳар икки йилда бир марта, қисقا муддатли малака ошириш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>4. “Рақамли криминалистика” йўналиши бўйича терговчилар ҳамда прокуратура органларининг тезкор-қидириув хизмати ходимлари учун доимий маҳсус ўқув курсларини ташкил этиш, шунингдек, “кибер ҳуқуқ” магистратура йўналишини очиш.</p> <p>5. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидағи ўрта маҳсус таълим муассасаларида “Ахборот ҳавфсизлиги” таълим йўналишини ташкил этиш ва унда ахборот технологиялари соҳасида дастлабки билимга эга бўлган ўқувчи ёшларни саралаб олиб, ушбу йўналишда малакали таълим беришни йўлга қўйиш.</p>			
10.	Рақамли технологиилар соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш.	<p>Рақамли криминалистика илмий-методик маркази негизида Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш.</p> <p>Институт фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш учун зарур моддий-техник база ҳамда қўшимча 10 та штат бирликларини ажратиш масаласини кўриб чиқиш.</p> <p>Институт таркибида “Ихтисослаштирилган рақамли тадқиқот маркази”, “Рақамли терговга қўмаклашувчи гурӯҳ”, “Методик ёрдам кўрсатиш гурӯҳи” ва “Рақамли криминалистика лабораторияси” (Digital forensic lab) фаолиятини йўлга қўйиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори	2024 йил март	Бош прокуратура, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
11.	Онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинлар устидан давлат назоратини такомиллаштириш.	<p>Манбаатдор идоралар вакилларидан иборат ишчи гурӯҳ ташкил этган ҳолда онлайн қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларни самарали тартибга солиш тизими жорий этилган мамлакатлар (Грузия, Корея Республикаси, Сингапур, Венгрия, Эстония ва бошқа мамлакатлар) тажрибасини жойида ўрганганд ҳолда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритиш.</p>	Ташкилий чора-тадбирлар  Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2024 йил март-апрель  2024 йил июнь	ИЛМА, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиилар вазирлиги, Ташкилий чора-тадбирлар вазирлиги

